

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши

2026 йил январь-июнь ойлари учун

- I. Жорий даврда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони
- II. Ўзбекистон саноатининг асосий кўрсаткичлари
- III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- IV. Саноат ишлаб чиқариши бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар


I. Жорий даврда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони

2026 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республикада 63,3 мингта саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида корхоналарнинг катта қисми қуйидаги йўналишларга тегишли бўлди:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 12,7 мингта (20,1 %);
- бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 8,9 мингта (14,0 %);
- кийим ишлаб чиқариш – 6,4 мингта (10,1 %);
- тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш – 5,2 мингта (8,2 %);
- мебель ишлаб чиқариш – 4,4 мингта (6,9 %);
- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 3,9 мингта (6,1 %);
- резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – 2,9 мингта (4,7 %)га тўғри келди.

1-расм. Асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида саноат корхоналари улуши

2026 йил 1 июль ҳолатига кўра



II. Ўзбекистон саноатининг асосий кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь–июнь ойларида республика саноат ишлаб чиқариши ҳажми жорий нархларда **637,2** трлн сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда **8,0** фоизга ошган.

1-жадвал. Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва физик ҳажм индекси

	Ҳажми, млрд сўм	Физик ҳажм индекси, % да
Ўзбекистон Республикаси	637 205,9	108,0
худудлар:		
Қорақалпоғистон Республикаси	14 950,5	107,5
Андижон вилояти	54 193,1	109,2
Бухоро вилояти	26 335,0	108,2
Жиззах вилояти	20 331,8	112,3
Қашқадарё вилояти	25 510,3	108,3
Навоий вилояти	155 012,4	105,4
Наманган вилояти	20 311,5	108,7
Самарқанд вилояти	32 655,5	109,8
Сурхондарё вилояти	9 611,6	108,2
Сирдарё вилояти ¹⁾	13 848,4	108,1
Тошкент вилояти	99 989,2	108,4
Фарғона вилояти	29 647,8	108,3
Хоразм вилояти	17 972,9	108,5
Тошкент шаҳри	109 587,6	108,0

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари (ойлик)

Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари (йиллик)

Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси (ойлик)

Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси (йиллик)


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар Навоий вилояти (**139,0** млн сўм), Тошкент шаҳри (**34,3** млн сўм) ва Тошкент вилоятида (**31,5** млн сўм) қайд этилди. Ушбу худудларда қайд этилган натижалар республика ўртача кўрсаткичи (**16,6** млн сўм)дан юқори бўлди.

Шунингдек, республикада аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати **106,1** % ни ташкил этди. Бунда Жиззах вилояти – **110,3** %, Самарқанд вилояти – **107,8** % ва Андижон вилояти – **107,4** % ўсиш суръати билан республика кўрсаткичидан юқори натижага эришди.

¹⁾ вилоятда янги ишга туширилган давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳажми қамровини ҳисобга олган ҳолда.

2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
январь-июнь ойларида



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (йиллик)

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (ойлик)

Республика саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари

2026 йилнинг январь-июнь ойларида республика саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келди. Унинг умумий ҳажми **549,7** трлн сўмни ташкил этиб, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши **86,3** фоизга етди. Шунингдек, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш **42,4** трлн сўм (**6,7** %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **41,7** трлн сўм (**6,5** %) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **3,3** трлн сўм (**0,5** %) ҳажмни ташкил этди.

3-расм. Секциялар бўйича саноат ишлаб чиқариши
2026 йилнинг январь-июнь ойларида



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркиби 4 та секция В, С, Д, Едан ташкил топган:

В - тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш;

С - ишлаб чиқариш саноати;

Д - электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш;

Е - сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишдан иборат.

III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2026 йил январь-июнь ойларида республикада йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги 8 хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. Булар: табиий газ – **18,3** млрд м³, нефть – **313,8** минг т, кўмир – **2,5** млн т, автомобиль бензини – **614,2** минг т, дизель ёқилғиси – **568,0** минг т, портландцемент – **10,1** млн т, ип калава – **433,6** минг т, юмшоқ буғдой ва спельта уни – **724,1** минг т.

2-жадвал. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь-июнь ¹⁾	2025 йил январь-июнь ¹⁾	2026 йил январь-июнь
Автомобиль двигателлари, дона	125 210	116 543 ²⁾	126 671
Автомобиль бензини, минг т	675,9	579,7	614,2
Дизель ёқилғиси, минг т	505,1	556,4	568,0
Кўмир, млн т	2,6	3,0	2,5
Нефть, минг т	364,6	323,9	313,8
Табиий газ, млрд м ³	22,5	21,9	18,3
Газ конденсати, минг т	625,5	575,2	462,1
Портландцемент, млн т	7,7	9,9	10,1

¹⁾ 2024-2025 йилларнинг январь-июнь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

²⁾ «UZAUTO MOTORS POWERTRAIN» АЖ томонидан 2026 йил январь-июнь ойларида ўтган йилнинг мос даври бўйича автомобиль двигателлари ҳамда цилиндр блоклари ишлаб чиқариш ҳажмларига оид маълумотлар алоҳида аниқлаштирилган ҳолда тақдим этилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (йиллик)

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибига кирувчи айрим иқтисодий фаолият турларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари

Қайта ишлаш саноатида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши 16,8 фоизни, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, чарм ва ундан тайёрланган буюмлар улуши 13,9 фоизни ташкил этади. Машина ва ускуналар, компьютерлар, электрон ва оптик буюмлар, электр жиҳозлари, бошқа гуруҳларга

киритилмаган машина ва ускуналар, автотранспорт воситалари, трейлер ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт воситалари, шунингдек, машина ва ускуналарни таъмирлаш ҳамда ўрнатишдан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш улуши 16,3 фоизга, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари улуши эса 6,6 фоизга тенгдир.

**3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автомобиллар сони
январь-июнь ойларида, донада**

Саноат маҳсулотлари	2025 йил ¹⁾	2026 йил
Юк автомобиллари	2 268	2 751
Енгил автомобиллар	208 975	235 794
шундан:		
Махсус енгил автомобиллар	23 353	29 582
“Cobalt”	73 102	82 951
“Damas”	45 992	42 663
«CHEVROLET DAMAS MOVE» ²⁾	-	600
“Tracker”	22 847	23 249
“Onix”	17 249	18 715
“KIA”	11 763	15 184
“Chery”	4 131	4 384
“Haval”	3 538	5 061
“BYD”	7 000	13 405

¹⁾ 2025 йилнинг январь-июнь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

²⁾ 2026 йил апрель ойида 132 та, май ойида эса 324 та автомобиль ишлаб чиқарилган.

**Электр таъминоти, газ, буғ етказиб бериш ва ҳавони кондициялаш секциялари
бўйича**

2026 йилнинг январь-июнь ойларида **44 140,8** млн кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,7 %га кўпдир (электр энергияси ишлаб чиқариш асосий фаолият тури бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳисобга олинмаган).

Йирик корхоналар томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ҳажми эса **18,1** фоизга камайган.

2026 йил январь-июнь ойларида кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида олинадиган газ ишлаб чиқарилмаган.

4-жадвал. Электр энергияси ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь-июнь ¹⁾	2025 йил январь-июнь ¹⁾	2026 йил январь-июнь
Жами ишлаб чиқарилган электр энергияси, млн кВт соат	40 834,0	41 747,1	44 140,8
шундан:			
йирик корхоналар томонидан (ҳисобот маълумотларига асосан)	36 897,3	31 282,2	29 832,8
кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан (кузатув маълумотлари асосида) ²⁾	3 936,7	10 464,9	14 308,0
Иссиқлик энергияси, минг Гкал (йирик корхоналар)	12 703,5	11 338,0	9 284,7

¹⁾ 2024-2025 йилларнинг январь-июнь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

²⁾ Асосий фаолияти электр энергияси ишлаб чиқариш бўлган кичик корхоналар.

Сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш секциялари бўйича (йирик корхоналар томонидан)

Тўқимачилик чиқиндилари миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12,7** фоизга ошган бўлса, оқова сувларни чиқариб ташлаш, ташиш ва тозалаш хизматлари ҳажми **12,3** фоизга ошди.

5-жадвал. Сув таъминоти, канализация тизими ва чиқиндилар бўйича айрим кўрсаткичлар

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь-июнь ¹⁾	2025 йил январь-июнь ¹⁾	2026 йил январь-июнь
Оқова сувларни чиқариб ташлаш, ташиш ва тозалаш хизматлари, млрд сўм	310,9	331,1	371,7
Чиқинди ўралари, тиндиргичлар ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш хизматлари, млн сўм	199,4	204,5	207,3
Тўқимачилик чиқиндилари, минг т	9,2	11,9	13,4

¹⁾ 2024-2025 йилларнинг январь-июнь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

IV. Услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Маҳсулот турлари бўйича **саноат ишлаб чиқариши ҳажми** тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичи (O'zDSt 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади. Буларга тоғ-кон саноати, қайта ишлаш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни йиғиш ҳамда утилизация қилиш (B, C, D, E секциялари) киради.

Айрим ҳолларда якуний қиймат ва қўшилувчилар йиғиндиси ўртасидаги кичик тафовутлар рақамларнинг яхлитланиши билан изоҳланади.

Фойдали ҳаволалар

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/855-sanoat-ishlab-chiqarishining-umumiy-hajmi-qiymatini-baholash-bo-yicha-uslubiy-nizom-ni-tasdiqlash-to-g-risida>

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/865-sanoat-ishlab-chiqarishining-fizik-hajm-indeksini-hisoblash-bo-yicha-uslubiy-nizom>

Тайёрлаш учун масъул:
Саноат ва энергетика
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
О. Измаилов
+998 71 203-80-00 (1205)

Манзил:

